



“ТАСДИКЛАЙМАН”

Навоий вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи

М.Рўзиев

2020 йил

**Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш
ва ўтказиш бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Навоий вилояти статистика бошқармасининг Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими (кейинги ўринларда Бўлим)нинг асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этишни белгилайди. 2020 йил

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Навоий вилояти статистика бошқармаси (кейинги ўринларда бошқарма) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Навоий вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга ҳамда мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим рўйхатга олиш (аҳоли, қишлоқ хўжалиги, уй-жой фонди ва бошқа рўйхатга олиш) жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида фаолиятини вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари, ҳамда маҳалла фуқаролари йиғинлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз фаолиятига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлиғи ўринбосарига бўйсунди.

4. Бўлим рўйхатга олиш (аҳоли, қишлоқ хўжалиги, уй-жой фонди

Рўйхатга олиш соҳалари бўйича Бўлим иш фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси бошқарма бошлиғи буйруғи билан тегишли бошқарма ўринбосарига юклатилиши мумкин.

6. Бошқарманинг тегишли тармоқ статистика бўлимлари рўйхатга олиш соҳалари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий-услубий жиҳатдан Бўлимга кўмаклашади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) рўйхатга олиш соҳаларида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва рўйхатга олиш жараёнларини амалга ошириш ҳамда функционал тартибга солиш соҳасида:

давлат статистика ишлари дастури, давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, рўйхатга олиш ишларининг режа-жадвали, вилоят статистика бошқармасининг иш режасини ўз вақтида шакллантирилишини таъминлаш;

давлат статистикасини ташкил этиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш ҳамда Қўмитанинг рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва тегишли органларга киритиш ишларида фаол иштирок этиш;

жамоатчиликка рўйхатга олишнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти бўйича ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш, хусусан ҳудудий оммавий ахборот воситаларида (телевидение, радио, босма нашрларда) чиқишлар ташкил этилишини ва кўргазмали ташвиқот воситаларини тайёрланишини назорат қилиш;

белгиланган тартибда рўйхатга олиш соҳаларининг логотипи ва шиорини ишлаб чиқилишида қатнашиш;

тегишли тармоқ статистика бўлимлари билан ҳамкорликда соҳалар бўйича рўйхатга олиш жараёнларига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш, бирламчи маълумотларини таҳлил қилиш ва якуний натижаларини эълон қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

синов тариқасида соҳалар бўйича рўйхатга олиш жараёнларининг барча ташкилий (ўтказиш муддатлари, ҳудудларини белгилаш ва б.), амалий чоратadbирларини амалга оширилишини ва ўтказилишини ташкил этишга кўмаклашиш;

соҳалар бўйича рўйхатга олиш жараёнларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий-услугий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни туман ва шаҳар статистика бўлимлари томонидан бажарилишини мувофиқлаштириш.

б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган соҳалар бўйича рўйхатга олиш жараёнларининг ягона услубиётини, рўйхатга олиш варағи шаклларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш соҳасида:

тегишли тармоқ статистика бўлимлари билан ҳамкорликда рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича халқаро меъёрлар ва талабларга жавоб берадиган статистик услубиётларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда қатнашиш;

рўйхатга олиш дастурлари ва варағи шаклларини халқаро тажриба ва миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқишда ва амалиётда тадбиқ этишда қатнашиш;

рўйхатга олиш варағи шаклларини тўлдириш йўриқномасини халқаро тажриба ва миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда тайёрланишида қатнашиш.

в) маъмурий-ҳудудий бирликлар рўйхати ва чегараларини аниқлаштириш ҳамда рўйхатга олишни картографик материаллар билан таъминлаш соҳасида:

маъмурий-ҳудудий бирликлар рўйхати ва чегараларини аниқлаштириш, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари номлари, кўчалар номлари, хонадон ва уйлар рақамлари кўрсатилган кўрсаткичларнинг мавжудлигини таъминлаш бўйича тегишли идоралар, ҳудудий комиссиялар ва ҳудудий статистика бўлимларида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш ва мониторинг қилиш;

рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ҳудудий давлат кадастр идоралари томонидан картографик материалларни замонавий GIS технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрланишини мониторинг қилиш;

ҳудудий комиссиялар томонидан рўйхатга олишни ўтказишнинг ташкилий режаларини тузилишини назорат қилиш.

г) рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказишга вақтинча жалб этиладиган ходимларни танлаш ва уларни ўқитиш соҳасида:

рўйхатга олиш жараёнларига вақтинча жалб этиладиган ходимлар гувоҳномаси шаклини ишлаб чиқишда қатнашиш;

рўйхатга олишлар жараёнларини ташкил этиш ва ўтказишга жалб этиладиган вақтинчалик ходимларни танлашга қўйиладиган меъёрларни ва ўқитиш қўлланмаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

белгиланган тартибда туман ва шаҳарларда рўйхатга олиш жараёнларига вақтинча жалб этиладиган ходимларни ўқитиш режа-жадвалини тайёрлаш;

Қўмита билан ҳамкорликда режа-жадвал асосида рўйхатга олиш жараёнларига вақтинча жалб этиладиган ходимларни ўқитилишини ташкил этиш.

д) демографик, ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:

туман ва шаҳарларда давлат статистика ишлари дастури, давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, рўйхатга олиш ишлари режа-жадвалининг бажарилишини мониторинг қилиб бориш;

шахсга доир маълумотларга ишлов бериш тартибини белгилаш ва уларга ишлов бериш ҳамда таҳлил қилиш ишларида иштирок этиш;

рўйхатга олишнинг якуний натижалари бўйича вилоятнинг демографик, ижтимоий-иқтисодий ва миграцион ҳолати тўғрисидаги маълумотларини шакллантиришда иштирок этиш;

белгиланган тартибга мувофиқ рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларининг сақланиши (шу жумладан вақтинча сақланиши), йўқ қилинишини таъминлайди.

е) бўлимнинг иш усуллари ва шаклларини янада такомиллаштириш, фуқаролар мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириш, юкланган вазифалар ўз вақтида сифатли бажарилиши учун ходимларнинг маъсулиятларини ошириш соҳасида:

бўлим фаолиятини халқаро андозалар ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш юзасидан бошқармага таклифлар киритади;

БМТ ва халқаро ташкилотларнинг илғор тажрибаларини ўрганади, уларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш ва уларни рўйхатга олишларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

рўйхатга олишларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни қўллаш чораларини кўради;

туман (шаҳар) бўлимлари, вилоят статистика бошқармасининг бўлинмалари ва манфаатдор фойдаланувчиларга рўйхатга олишларни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича методик ёрдам ва маслаҳат кўрсатади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар юборилишини таъминлаш чораларини кўради;

бўлимга юкланган вазифаларни ўз вақтида сифатли бажарилиши учун ходимларнинг касбий маҳорати ва шахсий масъулиятини ошириш бўйича таъсирчан чоралар кўради.

8. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Бўлим таркибига кирувчи ходимларнинг ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириш бўйича фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Давлат статистика ишлари дастури ва давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида рўйхатга олиш соҳалари бўйича белгиланган вазифаларни бажарилишини таъминлайди;

Бошқарма раҳбариятининг топшириқлари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан белгиланган тартибда рўйхатга олиш соҳалари бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишида қатнашиш;

Вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумот учун ва бошқа материалларни (Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг лойиҳаларини) тайёрлайди;

Бўлим ўзига юклатилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

9. Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган иқтисодиётнинг энг муҳим устувор йўналишларини, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлаб чиқилган

дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг тенденциясини (ҳолатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

10. Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вилоят статистика бошқармаси таркибий бўлинмалари ва туман (шаҳар) статистика бўлимларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

рўйхатга олиш соҳаларини ривожлантириш ва халқаро ҳамкорлик борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

рўйхатга олиш соҳалари бўйича статистика бўлинмаларининг раҳбарлари ва мутахассисларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш, илмий-амалий семинарлар ўтказиш;

юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш учун Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи билан келишган ҳолда Бошқарманинг бошқа бўлинмалари ходимларини, шунингдек малакали мутахассисларни, бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини, шу жумладан шартнома асосида жалб қилиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишлар, шу жумладан, халқаро йиғилишлар ишида, шунингдек, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш;

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Вилоят статистика бошқармасининг иш режаси, Бўлим иш режасининг тузилиши ва мазмуни бўйича Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқарманинг бошқа бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш;

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

11. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар;

ўзига юклатилган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштиришда иштирок этиш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлим тузилмаси

12. Бўлим тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлиғини, бош ва етакчи мутахассисларини олади.

13. Бўлим иш фаолиятига бевосита бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

14. Бўлимнинг иш фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунга, расмий статистика соҳасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, “Навоий вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, ушбу Низомга, Давлат статистика қўмитаси буйруқлари ва қарорларига, шунингдек Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, Бошқарманинг йиллик иш режаси, бўлимнинг иш режаси ва бўлим ходимларининг лавозим йўриқномаларига асосан ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Вилоят статистика бошқармасининг иш режалари асосида шаклантирилади ва тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлинмага юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича Бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури ва Вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти топшириқларини электрон ҳужжат айланиши тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек Бўлим томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида Бўлимнинг ҳисоботини тузиш орқали ташкил этилади.

15. Бўлим фаолиятига Бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади. Бўлим бошлиғи, бош ва етакчи мутахассис вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

16. Бўлим бошлиғи:

Бўлимнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади, Бўлимга юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлим фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

кўйилган вазифалар, келиб тушган ҳужжатларни ва бўлим ходимларининг рўйхатга олиш соҳалари бўйича халқаро тажрибани мунтазам ўрганиб боришларини назорат қилиш ва ишда тажриба алмашиш масалалари бўйича Бўлим ходимлари билан инструкторив кенгашлар ўтказди;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади, ходимларнинг ишга оид меъёрий ва бошқа ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда уларни сақланиши бўйича белгиланган тартибга риоя қилишларини таъминлайди;

Бўлим бошлиғи ишда бўлмаган вақтда унинг вазифаларини бош мутахассис бажаради.

17. Бўлим бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, рўйхатга олишлар соҳасида меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқилишини ташкил этиш, ижро ва меҳнат интизоминини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

Вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти томонидан ўтказиладиган йиғилишларда қатнашиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, халқаро ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахслар билан Бўлим ваколатига қирадиган масалаларни муҳокама қилишда Вилоят статистика бошқармаси номидан иш юритиш.